

КЛАССИК ФОРС ТИЛИ ВОКАЛИЗМ ВА КОНСОНАНТИЗМ ТИЗИМИНИНГ ФОНОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Ҳомитов Диловар Лутфуллозода

Термиз давлат университети докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7436057>

Аннотация. Ушбу мақолада классик форс тилининг вокализм ва консонантизм тизими фонологик таҳлил ва тадқиқ этилган. Шунингдек ундаги баъзи фонемаларнинг таърихи ва ўзгаришларга учраши баҳсга тортилган. Классик форс тили фонемалари фонологик сатҳда чуқур ўрганилмаган ва баъзи келишимовчилиги бор масъалалари мавжуд. Ушбу мақолада айнан ўша масъалаларга аниқлик киритади.

Калит сўзлар: классик форс тили, фонема, ундош, унли, оппозиция, дарий, фонология, *dastur-e tārixī-ye zabān-e fārsī*.

ФОНОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СИСТЕМЫ ВОКАЛИЗМА И КОНСОНАНТИЗМА КЛАССИЧЕСКОГО ПЕРСИДСКОГО ЯЗЫКА

Аннотация. В данной статье фонологически анализируется и исследуется система вокализма и консонантизма классического персидского языка. Также оспаривается история и изменения некоторых фонем в нем. Фонемы классического персидского языка не были тщательно изучены на фонологическом уровне, и есть некоторые спорные вопросы. Эта статья прояснит именно эти вопросы.

Ключевые слова: классический персидский язык, фонема, согласная, гласная, противопоставление, дари, фонология, *dastur-e tārixī-ye zabān-e fārsī*.

PHONOLOGICAL ANALYSIS SYSTEM VOCALIZATION AND CONSONANTISM CLASSICAL PERSIAN LANGUAGE

Abstract. In this article, the vocalism and consonantism system of the classical Persian language is phonologically analyzed and researched. Also, the history and changes of some phonemes in it are disputed. The phonemes of Classical Persian have not been thoroughly studied at the phonological level, and there are some controversial issues. This article will clarify exactly those issues.

Keywords: classical persian, phoneme, consonant, vowel, opposition, dari, phonology, *dastur-e tārixī-ye zabān-e fārsī*.

КИРИШ

Турли тиллар ривожидан биламизки ҳижрий 254(876) йилдан бошланган янги эроний тиллар ўртасида энг муҳимлари бу пашту, курд, балучи, классик форс(*fārsī-ye darī*) тиллари ҳисобланади. Классик форс-тожик адабиёти тили ва унинг давомчилари ҳозирги форс, тожик, дарий тиллари жануби-ғарбий эроний тиллар гурҳига мансублар. Улар қадимги ва ўрта форс тиллари давомчилари эканлигига шубҳа йўқ, зеро асл форсча сўзлардаги ҳам фонологик ва ҳам морфологик ўхшашликларни кузатиш мумкин. Классик форс тилининг манбалардаги номланишининг ўзи бир баҳсли мавзулардандир. Жумладан “Бурҳони қотей” китобида қуйидагича келтирилади: “Айтишадики Балх, Бухоро, Бадахшон ва Марв шаҳарлари аҳолисининг луғат бирлиги ҳисобланарди. Баъзи тоифадаги олимларнинг фикрича Каёнликлар саройида ушбу тилдан фойдаланишарди ва бошқа бир тоифадагилар фикрича Баҳман Исфандиёр саройига дунёнинг турли нуқталаридан одамлар келишарди ва бир-бирининг тилларини тушунишмасликлари сабаб Баҳман

Исфандиёрнинг олимларига берган буйруғи билан форс тили яратилди. Бу тилни “дарий” деб аташди, яъни подшоҳ саройида фойдаланиладиган тил. Кейинчалик бу тил билан гаплашишни бутун мамлакатга жорий этди. Яна бир тоифа бу тилни сой сўзи билан боғлашадигани форсчасида “дара” деб аталади яъни “кабки дарий” сой ёки тоғ каклиги атамасидан келиб чиқган. Ушбу қуш овозининг чиройлилиги ва форс тилининг ҳам жозибдорлигини ҳисобга олиб одамлар форс тилига бу номни беришган”. Муҳаммадтақий Баҳор ҳам “Sabkšenāsi” китобида классик форс тили борасида баҳс қилиб уни Балх, Бухоро, Сиистон ва Хуросон шаҳрлари аҳолисининг тили эканлигини таъкидлайди. Шунингдек ушбу шаҳрлар аҳолисининг қадимий шеваси ҳисобланиши, кейинчалик шоирлар бу тилда ижод қилиши ва Эроннинг ғарбий ва шимол тарафига ўтиши ҳақида кўпгина далилларни келтиради. Яна бир фараз бу тахорийларнинг Тибетдан Балх, Хуросон, Бадахшон ва Ғур шаҳрларига келиб жойлашишларидир ва “taxārī > tahaarī > daharī > darī” сўзидан вужудга келганлигини келтиради. Унинг яқунловчи хулосаси эса “dariy” сой каклиги, сарой тили ёки “tahārī” сўзининг вақтлар давомида ўзгариб “darī” га ўзгаришини ҳаммаси бу тил шарқий лаҳжаллигини исботлайди.

Классик форс тилининг минг йилдан ошиқ вақт ичидаги фаолияти жиҳатидан уни уч даврага бўлиш мумкин: яралиш ва ривожланиш, ўрганиш, ўзгариш ва янгиланиш.

Ушбу сўзлардан қуйидагича хулосага келиш мумкин: классик форс тили бошланишида Хуросон, Балх, Бухоро шаҳарларининг шеваси бўлган ва улар бу тилни оғзаки нутқда сақлашган, кейинчалик Сомонийлар, Тоҳирийлар, Ғазнавий ва Салжуқийлар даврида ривожланиб расмий тилга ўзгарган. Шимоли-ғарбий тарафга шоирларнинг шеърлари ва юқорида зикр этилган давлатларнинг таъсирини ошиши натижасида классик форс тили тарқалган.

Классик форс тили араб манбаларида *فارسی* (fārsī, pārsī), *فارسی دری* (pārsī-ye darī) шаклида ёд этилади. Ғарб мамлакатлари манбаларида турлича қайд этилади. Мисол учун француз тилидаги манбаларда *فارسی کلاسیک* (Persan classique), немис тилидаги манбаларда *Das neupersische, Neu persische Schriftsprache*, рус тилидаги манбаларда *فارسی نو* (Новоперсидский), инглиз тилидаги манбаларда *New persian*.

Классик форс тили ёки форсий-дарий тили IX асрда Араб халифалигидан ажралиб чиққан, Мовароуннаҳр, Хуросон ва унинг атрофида ҳукмронлик қилган Тоҳирийлар сулоласи (821-873), Сийистон, Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг баъзи минтақаларини ўз ичига олган Саффорийлар сулоласи (873-903) ва айниқса Мовароуннаҳрда IX асрнинг охирларида ташкил топган, маркази Бухорода жойлашган Сомонийлар давлатида (875-999) порсий-дарий ёки дарий тили расмий ёзишмалар ва ўша пайтда гуркираб ривожланган адабиёт тилига айланди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

XX асрнинг бошларигача тилнинг фонема системаси фонетика қисмида ўрганиларди. Тилшунослик илмининг ривожланиши натижасида фонетика ва фонология фарқлана бошланиб ўз бирликларига эга бўлишди. Лекин фонологияни фонетикасиз ва фонетикани фонологиясиз ўрганиб бўлмайди, улар бир-бирини тўлдиришади. Шундан келиб чиқиб Н.Трубецкой бу боғлиқликни қуйидагича таърифлайди: “Фонология тил товушларини, фонетика эса нутқ товушларини ўрганади. Сиёсий иқтисод фани маҳсулотшуносликка қандай муносабатда бўлса, фонология ҳам фонетикага шундай муносабатда бўлади”. Тил тараққиёти жараёнида фонетик ўзгаришлар фонологик

ўзгаришларга олиб келади. Мисол учун классик форс тилидаги “ğ” фонемаси вақт ўтиб ҳозирги форс тилида “d” фонемасига ўзгарган ва бугунги кунда бу тўғри ҳисобланиб фойдаанилади: أستاذ-أستاذ||ustāğ-ostād.

Классик форс тили фонемалари ўрта асрлардан бошлаб олимлар диққати марказида бўлган. Классик форс тилининг биринчи бошланғич давраларидаги фонемаларидан хабардор бўлишнинг икки йўли бор. Биринчиси араб ва форс тилларининг қиёсий луғатлари, грамматика китобларининг ичида ёки қофия вазнида баҳс қилинган форс тили балоғат илмидаги китобларидан билиш мумкин. Иккинчиси бу форс тилидаги эски нусхаларда сақланган ҳарфларни тўғри талаффуз қилиш ва хато қилмаслик учун махсус ҳаракат ва белгилар билан ўрганиш мумкин. Классик форс тили фонемалари ҳақида маълумот берилган энг қадимги манбалар қуйидагилардан иборат:

1. Sibavayh Širāzi-ning “Al-Kitāb” asarida араб тилида мавжуд бўлмаган тўрт фонемага(ç, p, ž, g) шарҳ берган.
2. Abu Abdollāh Hamza bin al-Hasan al-Esfahāni(hijriy 340-350 yillar atrofida vafot etgan) “Kitāb at-tanbiha ala hudusa-t-tashif” китобида араб тилида мавжуд бўлмаган саккизта форсча фонемаларни санаб ўтади.
3. Abu Ali ebn Sinā “Maḥāreǰ al-horuf” китобининг бешинчи бобида араб тилида бўлмаган тўртта форсча фонемани тавсифлаган.
4. Xāǰe Nasireddin Tusi “Me’yār al-ašār” китобида араб тилида бўлмаган бешта ундош ва иккита унли фонемалар ҳақида мушаххас тўхталиб ўтган.
5. Ibn Dorayd “ǰumhurat al-luḍata” китобида форс тилидаги бита фонемани зикр этган.
6. Abu Mansur Ĵavāliqī (вафоти х. 540) “al-mo’arab min al-kalām al-‘ajami a’la hurufal mo’jam” китобида ушбу мавзуда ёзганлари бор ва уни Сибавайҳдан олганлигини таъкидлайди. Унда янги фикрлар йўқ.
7. Mohammad bine Abdolxāled Mihani “Dasture Dabiri” китобида араб тилида бўлмаган тўртта ҳарф ҳақида “бу ҳарфларнинг ҳар бирига учтадан нуқта қўйиш керак токи хатоликларни келтириб чиқармасин”.
8. Shams Qayse Rāzi ўзининг машҳур “Al-mo’jam fi mi’yār ul-aš’ār al-a’jam” китобида араб тилида бўлмаган тўртта ундош фонемаларни шунингдек форс тилида мавжуд бўлмаган арабча фонемаларни зикр этиб ўтади.

Шунингдек баъзи луғатлар ичида ҳам форс тили фонемалари ҳақида сўзлар кетган лекин уларда янгилик йўқ балки ўзидан олдинги олимларнинг фикрларини келтиришган. Классик форс тилидаги араб тилида мавжуд бўлмаган фонемалар таснифида юқорида кўрсатилган манбаларда қуйидагича фикрларни илгари суришган.

Жарангсиз ва лабланган *p* фонемасини Сибавайҳ *b* ва *f* фонемалари ўртаси деб айтади ва “farand” ва “funduǰ” (бу сўзлар араблашган “parand” “bunduǰ” сўзларидир)ни мисол келтиради. Ҳамза Исфаҳоний ҳам уни *b* ва *f* фонемалари ўртаси деб “rapnǰ”(пишлоқ)ни мисол келтиради. Ибн Дурайд ҳам шу фикр билан “rūǰ”(ўғил) сўзини мисол келтиради. Ибн Сино бу фонемани ташдидли “b” деб айтади ва “rīǰōzi”(ғалаба, араблашган шакли *fīrōzi*) сўзини мисол келтиради.

ف (v) жарангли лаб тиш ундош фонемасини ҳам Ҳамза Исфаҳоний “b” ва “f” фонемалари ўртасидаги фонема ҳисоблаб, унга “lav” ва “šav” сўзларини мисол келтиради. Ҳозирги форс тилида бу сўзлар “lab” ва “šab” шаклида талаффуз этилади аммо тожик тилининг баъзи шеваларида لف “lav” ва شف “šav” шаклида талаффуз этилади. Ҳамза

Исфаҳонийнинг Бейрутда нашр этилган ушбу китобида لپ “lap” ва شپ “šap” шаклида келган. Абу Али ибн Сино уни “b” га яқин “f” деб атайди ва “fuzūnī” сўзини мисол келтиради. Бу фонема махражини қуйидагича тавсифлайди: “فرق آن با باء در اینست که حبس آن تام نیست، و فرق آن با فاء اینکه تنگی مخرج آواز در لب اینجا بیشتر است و فشار هوا شدیدتر، چنانکه نزدیک می شود که در “سطح نرم درون لب لرزه ای پدید آید”.

[Унинг “b”дан фарқи шундаки унинг(ҳавонинг лаб ичида) сиқилиб туриши тўлиқ эмас ва “f”дан фарқли жойи шуки лабнинг танглиги “f”га нисбаттан торроқ, натижада босим кўпроқ бўлади. Шунчалик яқинлашадик тилнинг ички юмшоқ жойида силкиниш ҳосил бўлсин].

“Dasture Dabiri” муаллифи ҳам уни форс тилига хос ҳарфлардан билиб уч нуқта билан кўрсатган. Шамс Қайси Розий уни ажам “f”си деб билади. Бу ундош ўша ҳозирги форс тилидаги лаб-тиш, жарангли “w” фонемасидир ва араб тилида у йўқ. Араб тилидаги “w” фонемаси ярим унли(Semi-voyelle) ҳисобланади. Бундай фонема бошқа тилларда ҳам, жумладан англис тилида ҳам бор ва “w” ҳарфи билан белгилашади. Араб тилидаги лаб-лаб “w” фонемаси дарий тилида бор. Бу фонема эроний шеваларда собит бўлмай баъзи шеваларда “b” лаб-лаб, жарангли ва баъзисида лаб-тиш, жарангсиз “f” фонемасига ўзгарган. Ўамза Исфаҳонийнинг келтирган мисолларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Исфаҳоннинг шевасида “b” фонемаси сўз охирида келса “v”шаклида талаффуз этилган. “šab-šav”, “lab-lav”.

Классик форс тилининг фонемаларини эронлик олимлардан Mohsen Abulṡāsemi, Parvez Nātele Xānlari, Mohammad Tayi Bahār, афғон олимларидан Xalilullāh Urmur ўз асарларида ёритиб беришган. Бундан ташқари М.Муин “Farhang-e fārsi” луғатининг муқаддимасида ҳам ушбу тил фонемаларини кўрсатиш учун “Šāhnāma” дан қуйидаги байтларини транскрипция қилиб кўрсатади:

جهان پیش چشم اندرش تیره گشت	چو بشنید رستم سرش خیره گشت
بیفتاد از پای و بی هوش گشت	همی بی تن و تاب و بی توش گشت
بذ و گفت با ناله و با خروش	بپر سید از آن پس که آمد بهوش
که گم باز نامش ز گرد نکشان	بگو تا چه داری ز رستم نشان

Бу келтирилган парчанинг лотинча транскрипциясини қуйидагича беради:

Ču bi-šniḏ Rustam sar-aš xira gašt

Jihān pēši čašm andar-aš tira gašt

Ham-ē bē tan u tāb u bē tōš gašt

Bi-yuftad az pāy u bē hōš gašt

Vaḏ ō guft bā nāla u bā xurōš

Vi-gō tā čī dārē zi Rustam nišān

Ki gum bād nām-aš zi garden-kašān.

Муҳсин Абулқосимийнинг “Dastur-e tārixi-ye zabān-e fārsi” китобида келтирилишича классик форс тилида 8 та унли фонема мавжуд бўлган.

Чўзиқ унлилар

Қисқа унлилар

ā

a

ī

i

ū

u

ē

ō

Классик форс-дарий-тожик тилидаги унлилар системаси ўз таркибига кўра ўрта форс тили унлилар тизими билан айнан ўхшашдир. Бу қадимги форс тилидан мерос фонологик жиҳатдан чўзиқлигига кўра фарқланувчи уч жуфт унли: *i - ī, a - ā, u - ū* ва монофтонгга айланган қадимги форс тилидаги дифтонглар, яъни *ai>ē, au>ō* дир.

Классик форс тилида фонемалар ҳозирги тожик тилидек сифатига қараб бўлинмаган, балки чўзиқ ва қисқалигига қараб бўлинган. Форс тилида бешта чўзиқ фонема мавжудки улар ўрта тил бўлган паҳлавий тилининг фонемаларидир ва у бутунлигича классик тилига ўтган: *ā, ī, ū, ē, ō*.

Тадқиқотда қиёсий, синтез ва анализ, тавсифлаш методларидан фойдаланилди. Классик форс тилидаги манбалар ва бугунги олимлар фикрлари, шунингдек ҳозирги форсий тиллар билан қиёслашиб кўриб классик форс тиллари фонемалари тавсифланди. методларидан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

Муҳсин Абулқосимий ўзининг “*Dastur-e tārixi-ye zabānu fārsi*” китобида қуйидаги таърифни келтирган: “Классик форс тилидаги *a-ā, i-ī, u-ū* фонемалари бир бири билан миқдор жиҳатдан фарқ қилади. Яъни *ā, ī, ū* фонемаларининг чўзиқлиги *a, i, u* фонемаларидан узундир. *ā, ī, ū* фонемаларининг ҳосил бўлиш усули *a, i, u* фонемаларидан фарқ қилмайди”. Бу фикрни тўлалигича қабул қилиб бўлмайди. Гарчи *i-ī, u-ū* фонемаларининг ҳосил бўлиш усули (махраж) бир бўлсада *a-ā* фонемалари бу қоидага бўйсунмайди. Агар Абулқосимийнинг фикри тўғри деб қабул қилинса классик форс тилидаги *ā* фонемаси бор сўзларни қуйидаича талаффуз этиш керак бўларди: *malāhi-malaahii, fāhiš-faahiš, vāqia-vaaqia*. Лекин Абулқосимийнинг фикрига қарши М. Муин “*Farhang-e fārsi*” луғатидаги муқаддимасида порсийи дарий тили талаффуз усулига Фирдавсийнинг “*šāhnāma*” сидан бир неча мисолларни кўрсатишимиз мумкин.

جهان - *Jihān*

تاب - *tāb*

پای - *pāy*

Классик форс тилининг вокализм тизими сифатлари ҳозирги тожик тили билан жуда яқинлигини ҳисобга олган ҳолда классик форс тилининг унлиларини қуйидаги жадвалда жамланди.

	Фонеманинг давомийлиги бўйича					
	чўзиқ	қиска	чўзиқ	қиска	чўзиқ	сқа
Тилнинг олдинга ёки орқага силжишига кўра	Тил олди		Тил ўрта		Тил орқа	
Юқори кўтарилиш	<i>ī</i>	<i>i</i>			<i>ū</i>	<i>u</i>
	Тилнинг танглайга кўтарилиш даражаси					

Ўрта кўтарилиш	ē		ō		ā		
Қуйи кўтарилиш				a			

Шуни таъкидлаш жоизки классик форс тили унлилари икки белги билан фарқланмайди, балки унда учинчи фарқланувчи белгиси-фонеманинг давомийлиги бўйича ҳам фарқланади. Яъни классик форс тилида ҳозирги тожик ва форс тилидан фарқли ўлароқ унлиларнинг чўзиқ-қискалиги фонологик аҳамиятга эга. Сабаби қисқа унли ҳам, чўзиқ унли ҳам маъно ажратишга хизмат қилади. Маъно ажратувчи функциясига кўра классик форс тили унлилари қисқа-чўзиқлиги фонологик аҳамиятга эга. [dur-dūr] дурру гавҳар-узоқ, [māhī- māhi] балиқ-ой+(-i)изофа билан, [tār-tar] ip-ho'1.

Классик форс тилидаги ундош фонемалар ҳам ғарбий ўрта форс ундошлари билан бир хилдир. Классик форс тилида 24 та ундош фонема мавжуд бўлган:

р γ һ у b ċ z x^v t j ž d f m n s w k š r g x l δ

Агар баъзи ундош фонемаларнинг ўзгаришини (ž, γ, x^v-пасроқда келтирамиз) ҳисобга олинмаса, классик форс тилидаги ундош фонемаларни ҳозирги форс тили билан бир хил тавсифлаш мумкин. Яъни:

1)ҳосил бўлиш усулига кўра:портловчи, сирғалувчи, африкат фонемаларга ва бурун, ён, титроқ фонемалар;

2)ҳосил бўлиш ўрнига кўра: лаб-лаб, лаб-тиш, тил олди, тил ўрта, тил орқа, чуқур тил орқа ва бўғиз фонемалар;

3) овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра: шовқинлилар ва сонорлар;

Классик форс тилининг ҳозирги форс тилидан фарқ қиладиган баъзи ундош фонемалар таснифини келтирилади:

Ҳамза “ء” –бу фонема томоғнинг тораяиб ташқарига чиқаётган ҳавони босим билан чиқиши натижасида ҳосил бўлади. Классик форс тилида ҳеч бир сўз унли ҳарф билан бошланмайди, агар келса ҳам ундан олдин ҳамза “ء” қўйилади. Асл форсий бўлган сўзларда ҳамза “ء” сўз ўртаси ва охирида келмайди. Лекин араб тилидан ўзлашган сўзларда ҳамза “ء” ва айн “ع” (ҳамза каби талаффуз этилади) ҳарфлари жуда кўпдир. Мисол учун: مؤذن, مؤمن, عاجز, عاشق, موضوع, فرع, وضع.

Қоф “ق” ва ғайн “غ”. Ўтган олимларнинг барчаси қоф “ق” ҳарфи арабча ҳарф бўлиб форс тилида мавжуд эмас дейишган. Лекин ғайн “غ” ҳарфи икки тил ҳарфи ҳисобланади. Бу қарашларни қабул қилиш ёки рад этишдан аввал қоф “ق” ва ғайн “غ” фонемаларини кенгроқ тавсиф этиш керак. Синтаксис ва лексикология олимларининг бу икки ҳарф ҳақидаги фикрлари бир хил эмас эди. Сибавахий “غ”ғайнни бўғиз фонемаси ва “ق” қофни чуқур танглай орқасидан келадиган фонема деб билади. Шунингдек “ق” қофни юмшоқ ҳарфлардан санаб уни адо этишда ташқарига чиқаётган ҳаво йўли ёпилмайди.

Ибн Дурайд ҳам “غ” ғайнни бўғиз фонемаси ва “ق” қофни томоқ ва тил охири фонемаси деб билган ва “ق” қоф билан “ك” қоф махражини бир бири билан жуда яқин деган. Шунинг учун бу икки ҳарф сўзда кетма кет ёзилмайди. Араб тилида ҳам “قكى”, “كق” каби сўзларни учратиш бўлмайди. У ҳам “غ” ғайнни юмшоқ ҳарф деб билган.

Абу Али ибн Сино ҳам “ق” қофни портловчи ва “غ”ғайнни сирғалувчи ундош деган. Сибавахий билан Ибн Дурайднинг фикрлари Ибн Синонинг фикрлари билан бир хил бўлсада лекин бу ҳарфларнинг махражни кўрсатишда Ибн Сино фикрлари фарк қилади. Чунки “ق” қоф махражини “خ” хо ҳарфидан сўнг қўяди ва “غ”ғайнни “ك” қоф билан ҳаммахраж деб билади. У очиқчасига айтадики “ق” қоф билан “خ” хо алоқалари худди “ك” қоф билан “غ”ғайннинг алоқаларидек бир хил. Шунинг учун унинг назарида “ق” қоф бўғиз фонемаси ва “غ”ғайнни чуқур танглай орқасидан келадиган фонема деб билган.

Араб ҳарфларини ўрганган Европалик олимлар ҳам “ق” қоф ва “غ”ғайн ҳарфларини тавсифлашда қийинчиликка учрашган. Континеу ёзадики “ “ق” қоф ҳарфини тавсифлаш осон эмас” ва бу ҳарфни тавсифлашдаги қийинчиликка Сибавахий билан Замахшарий китобларидаги бугунги “Қуръон”да бу икки фонемани қандай талаффуз этилиши ҳақидаги ихтилофни мисол қилиб келтиради.

МУҲОКАМА

Бугунги кунда форс тилида “ق” қоф ва “غ”ғайн бир хил талаффуз этилади ва бу фонема сирғалувчидирки унинг махражи ҳалкумга тўғри келади. Бу фонема махражи Ибн Дурайд ва Сибавахийнинг “ق” қоф ҳарфи ҳақидаги тавсифлари билан мувофиқ келади. Лекин “غ”ғайн ҳарфининг бўғиз сирғалувчи хусусиятлари ҳақидаги тавсифларига тўғри келмайди. Шунинг учун агар бу ҳарфлар ҳақида Сибавахий билан Ибн Дурайд фикрларини тўғри деб қабул қилинса, демак, классик форс тилида “ق” қофни назарда тутган бўламиз, “غ”ғайнни эмас. Истисно тариқасида айтиш мумкинки, Эроннинг баъзи вилоятларида хусусан Кермон ва Форс туманларида “غ”ғайнни сирғалувчи бўғиз товушидек талаффуз этилади ва бу “ق” қоф махражидан бутунлай фарқ қиларди.

Муҳаммад Ҳусайн бинни Халаф ат-Табризий ўзининг “*Burhān-e yāte*” луғатида “ق” қоф ҳарфини қуйидагича тавсифлайди. “Бу ҳарф араб тилига хосдир ва форс тилида мажуд эмас. Лекин Язд ва Форсда бу фонемадан фойдаланишади. Араб тилида бу бўғиз фонемасидир ва “غ”ғайн ҳарфидан қаттиқроқ талаффуз этилади”. “غ”ғайн ҳарфи турли ўринларда “خ”, “ز”, “گ” ҳарфларидек талаффуз этилиши мумкин.

خوشه-غوشه, چرخ-چرغ : خ-غ

اميز-امیغ : ز-غ

آغوش-آگوش : گ-غ

Доктор Муҳаммад Муин ўзларининг “*Farhang-e fārsī*” луғатларида “ق” қоф ҳарфини қуйидагича тавсиф этадилар: “Бу ҳарф форс тилида мажуд эмас ва охириги вақтларда форс тилининг араб тили билан аралашishi ва бошқа сабабларга кўра “غ”ғайн ўрнига “ق” қоф одат бўлган”.

“ق” қоф, “غ”ғайн, “خ” хо ва “ء” ҳамза фонемалари орқа тил кичик тилга тегишидан хосил бўладиган фонемаларидир. Демак уларнинг махражи бир-бирига яқин бўлганликлари учун ҳам турли вазиятларда ўзгариб туради. Баъзи Эроний халқларнинг лаҳжаларида араб тилидаги бирнеча фонемаларини учратиш мумкин. Мисол учун “ص”, “ظ”, “ح”, “ق” ва “غ” ҳарфлари араб тили таъсирида худди араб тилидагидек талаффуз этилади. Лекин бу ерда эътиборлиси шундаки Эроннинг жанубий ҳудудларида “ق” ҳарфи “ك” ва “خ” ўртасидаги фонемадек талаффуз этилади. Ушбу талаффузни бошқа нуқталарда ҳам учратиш мумкин. Шунингдек “ق” ҳарфининг ҳақиқий арабча талаффузини ҳам

учратиш мумкин. “ص”, “ظ”, “ح” ҳарфларини ҳам баъзи форсизабонлар аслича талаффуз этишади. Мисол учун: *طپیدن, طشت, صدوشصت*.

Умуман олганда форс тилидаги араб тилига хос бўлган фонемалар ўз товуш хусусиятларини йўқотганлар ва талаффуз пайтида форсий товушларни ўзларига олганлар. Мисол учун “ذ”, “ض”, “ظ” фонемалари “ز” га ўхшаб, “ط” “ت” га, “غ” “ق” га ва “ع” га, “ح” “ه” га ўхшаб талаффуз этилади.

Форс сўзларида ҳарфлар ўз шаклини ўзгартириши мумкин. Кўпинча қисқа унлилар чўзиққа ёки аксинча ва махражи бир-бирига яқин бўлган фонемалар алмашади: *پادشہ-پادشاه, پیش-پیش, پر-پور, گوسپند-گوسفند...*

Шунингдек махражи бир бўлган

“ب”, “پ”, “م”, “و” фонемалар яъни лаб фонемалари бўлганлиги учун бир-бирини алмаштира олади;

“د”, “ت”, “ز”, “س” фонемаларининг махражи тиш ва лаб бўлганлиги учун бир-бирини алмаштира олади;

“ق”, “غ”, “خ” фонемаларининг махражи кичик тил бўлганлиги учун бир-бирининг ўрнини алмаштириши мумкин.

Шу ўрин алмашиш ва ўзгаришлар сабабли турли шеваларда сўзлар турлича талаффуз этилган ва баъзида луғатларда ҳам турлича киритилган. Мисол учун: *گوسپند-گوسفند, تابه-تاوه, شيب-شيو, خربار-خروار, وير-بير, هژير-هجير, پاژ-باز-پاز, بانه-فانه-پانه, كمچه-كچه-كفچه-جمچه, گذار-گذار, كدبانو-كتبانو, تود-توت, كژ-كج, كژاوه-كجاوه-كزاوه, هيچ-هيچ-هيش, پوك-پوچ, كاند-كانگ...*

Ўрта форс тили ва классик форс тилида ҳарф бирикмаси бўлган X^v фонемаси бугунги кунда ўз сифатини ўзгартириб оддий x фонемасидек талаффуз этилса ҳам маълум қоидаларга бўйсунди:

-форс тилидаги чўзиқ унлилар (\bar{i} , \bar{a}) дан олдин келса оддий x фонемаси каби: *xīḡ, xāb, xān;*

-форс тилидаги қисқа a фонемасидан олдин келса “ \bar{a} ” каби талаффуз этилади: *xād-xād, xrdan-xārdan;*

“ δ ” фонемаси ҳам форс тилининг минг йилдан кўпроқ хаёти давомида ўзгаришга улгурган. “ δ ” товуши аллофон сифатида унлилардан кейинги фонема сифатида x VII асргача қўлланиларди ундан сўнг эса “ d ”га айланди.

Доктор Муҳаммад Муин ўзларининг “*Farhang-e fārsī*” луғатларида “ δ ” фонемаси хақида қуйидаги фикрларни келтирадilar: “Бу товуш исломдан олдинги форс тилида мавжуд бўлган, классик форс тилида эса мўғуллар давригача амалда бўлган сўнгра “ d ” шаклида ўтган. Шунингдек араб тилидан ўзлашган сўзлардаги “ δ ” фонемаси “ z ” шаклида талаффуз этилади. “ δ ” дан “ d ” ни ажрата билиш учун Асади Тусийнинг қуйидаги рубоийсига мурожаат этилади:

ānān ki ba fārsi suxan mērānand

dar ma'raze “dāl” “zāl” rā naśnānand

māqabl varā sākin juz “vāy” buvad

“dāl” ast vagarna “zāl”-i mu’jam xonand”.

Шунингдек сўзларда “ δ ” фонемасидан олдин сокинли ҳарф ва ундош, унлилар (\bar{u} , \bar{a} , \bar{i} -дан ташқари) келса d ўқилади, қолган ҳолатларда “ δ ” ёзилади. Мисол учун: *āvand, dard, sandān, mard*

Āzar, būδ, bīδ, dāδ, dīδ, rūδ, sāδe, šāδ, yāδ...

“δ” фонемаси форс тилидаги сўзларнинг бошланишида келмайди. *δogaḥš* сўзи бундан мустасно.

Парвиз Нотил Хонларий ўзининг “*Dastūr-e tārixi-ye zabān-e fārsī*” китобида келтиришича баъзи ҳолатларда “δ” ўрнига “r, l, y” фонемалари ҳам келган: *barādar-baδādar, gosīl-gosīδ, rāyīz-rāδīr*.

Бугунги кунда келиб форс тилида “δ” фонемаси салмоқли сўзларда сақланган бўлса ҳам оддий “z” товуши каби талаффуз этилади. Парвез Нотел-е Хонларийнинг далиллари эса бу ҳали классик форс тилида тилнинг муайян низоми мавжуд эмаслиги ва турли шеваларда турлича ўзлаштириб адиблар китобларига жойлашган. Бугунги кунда ҳам бундай ҳолатларни учратиш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда классик форс тили ўрта ва қадимги форс тилларидаги унлиларни ўзида сақлаб келган;

Классик форс тили фонемалари ҳозирги тожик тили фонемаларига жуда яқин ва улар ўртасида деярли фарқ йўқ;

Араб тилидан ўзлашган сўзлардаги араб тилига хос фонемалар ўз сифатларини юқотганлар ва форс тили фонемалари сифатларига мослашган;

Классик форс тилидаги баъзи ундошлар ҳозирги форсий тилларда келиб истемолдан чиққан;

Классик форс тилидаги сўзларнинг турли шаклларда ёзилганлиги бу ҳали адабий тилнинг тўлиқ шаклланмаганлиги ва шоирларнинг шеваларининг ёзувларига таъсири натижасида бўлган.

REFERENCES

1. Алимова Х. З. Форс, дарий ва тожик тилларининг шаклланиш босқичлари: умумийлик ва фарқлар (фонетик таҳлил) //Шарқшунослик. – Т.: ТошДШИ, 2008. – № 1-2, –Б. 28-34
2. Куронбеков А. Классик форс тили ҳамда ҳозирги давр форс, дарий ва тожик тиллари фонемалар тизимининг қиёсий таҳлили//Шарқ классик филологияси. – Тошкент: ТошДШИ, 2009. – Б. 146.
3. Основы иранского языкознания:новоиранские языки. 3ч, Наука- Москва: 1982. 572 с.
4. Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка.-М: 2001. 600 с.
5. Трубецкой Н.С. Основы фонологии – Москва.:изд.иннос.лит., 1960. –373 с.
6. ابو على ابن سينا. مخارج الحروف. تصحيح و ترجمه فارسی پرويز ناتل خانلری. تهران. 1333. ص 114.
7. ابوالقاسمی م. دستور تاريخی زبان فارسی. تهران: سازمان مطالعه و تدوين کتب علوم انسانی دانشگاهها. 1375. ص. 425.
8. ابوالقاسمی م. تاريخ زبان فارسی. تهران: سازمان مطالعه و تدوين کتب علوم انسانی دانشگاهها 1373. 356. ص.
9. ادیب. ت. ارموغان// بحسی در باری زبان فارسی. ق. 1353. ص. 226.
10. ارمور خ. زبان دری، فارسی میانه، فارسی باستان. کابل: 1390. ش. 152. ص.
11. حمزه بن الحسن الاصفهانی. کتاب التنبیه علی حدوث التصحیف. تصحیح الشیخ محمد حسن آل یاسین. بغداد 1948 م. ص 504.

12. حمزه بن الحسن الاصفهانی. کتاب التنبیه علی حدوث التصحیف. حققه محمد أسعد طلس. بيروت. 1412. 1992 م. ص 327.
13. خانلری. پ. ن. دستور زبان فارسی. چاپ 9. تهران. 1370. 367 ص.
14. خانلری. پ. ن. تاریخ زبان فارسی. تهران. 1365. ص 45.
15. درید ازدی. جمهره اللغه. حیدرآباد. 1344. ص 1781.
16. دهخدا. ا. ا. لغتنامه دهخدا. ج 3. تهران. 1947-1987. ص 1582.
17. سیویه. کتاب. الجزالثانی. مصر بلاق. 1317. ص 442.
18. شمس الدین محمد بن قیس رازی. المعجم فی معاییر اشعار العجم. تصحیح مدرس رضوی. کتابفروش تهران. تبریز. ص 561.
19. دهخدا. لغتنامه. ج 11. تهران. 1377. ص 1649.
20. محمد تقی بهار. سبکشناسی. ج 1. تهران. 1349. ص 499.
21. محمد حسین بن خلف التبریزی. برهان قاطع. ج 5. تهران. 1342 ه. ص 1513.
22. محمد معین. فرهنگ فارسی. ج 2. تهران. 1964-1974. ص 1206. c. 1206.
23. محمد معین. فرهنگ فارسی. تهران. ج 1. تهران. 1371. ص 716.
24. محمد بن عبدالخالق میهنی. دستور دبیری. بهاباد. 1375. ص 235.
25. منصور الجوالیقی موهوب بن أحمد بن محمد. المعرب من الکلام الأعجمی علی حروف المعجم. چاپ قاهره. 1361 ه. ص 678.